

Фармации
АГ).

Н. ГОРОДНИЧЕНКО.

яхшилаш юзасидан конкрет чоралар бе-
гиланди.

ЮГОСЛАВИЯ ФЕДЕРАТИВ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИОСИП БРОЗ ТИТОНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛИШИ ТУҒРИСИДА

Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Тито шу йил 2 июнда Совет Иттифоқида расмий визит билан келди. Президент Тито Совет Иттифоқида уч ҳафта бўлиши мубоияида Москвадан ташқари Совет Иттифоқининг кўп шаҳарларига боради ҳамда турли илмий ва маданий муассасалар, саноат объектлари билан ва ҳоказолар билан танишади. Президент Титонинг Совет Иттифоқида бўлиши вақтида Югославия ва Совет раҳбарлари

ўртасида кўпгина суҳбат бўлиши кўзга тушган. Президент Тито ва унинг рафиқаси билан Совет Иттифоқида Иттифок ижроия веча раисининг ўринбосари Эдвард Бардес, Ташқи ишлар бўйча давлат секретари Коча Попович, Иттифок ижроия вечаининг аъзоси Миялко Тодорович, Хорватия Халқ республикаси ижроия вечаининг раиси Яков Блажевич ва бошқалар келди.

ТИТОНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА БОРИШИ ТУҒРИСИДА КОЧА ПОПОВИЧНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БЕЛГРАД, 27 май. (ТАСС). Белграддаги «Нин» газетаси ташқи ишлар давлат секретари Коча Поповичнинг, Югославия президенти Иосип Броз Титонинг Совет Иттифоқида боришига қандай баҳо беради, деб ўзиндан сўраган саволга берган жавобини эълон қилди.

Коча Попович бундай деган: Совет раҳбарларининг ўтган йил Югославияга қилган сафари ихкама мамлакатимиз ўртасидаги оқик масалаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун ва халқаро тинчликни мустақамламоқ учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлиги маълум. Тито—Брознинг декларацияси мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик, ҳамкорлик ва ички ишларга арашмаслик принципларини эълон қилди, муносабатларимизни мустақам негизга асослантди. Биз шу нарсани мамунинат билан қабул қилганимиз мумкинлиги. Декларацияда кўзга тутилган қарорларнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатларимизнинг самарали дўстона ҳамкорлик қилишига, бир-бирларини яхши ту-

шуниб олишларига ҳамда муносабатларимизга негиз қилиб олинган принципларнинг халқаро миқёсда қарор топишига ёрдам бери.

Президент Титонинг Совет Иттифоқида бориши гоёт муҳим ва тез ривожланиб бораётган халқаро воқеалар билан бир вақтга тўғри келди. Бунинг Европа ва Осиёдаги масъула давлат арбоблари ўртасидаги алоқалар тобора кўпайиб бораётганини, шунингдек актив тотув янаш принципларни кўп мамлакатларнинг намоёндалари ташқи сёбас асоси сифатида эътироф қилётганлиги кўрсатиб турибди.

Рашваридири, президент Титонинг Кардель ва бошқа ўз ҳодимлари билан бирлиги Москвада совет раҳбарлари билан олиб борадиган музокараларга мустақам тинчликни таъминлашда, халқаро ишонч таъминлашда ҳамда бутун дунёда социализмнинг муваффақиятли ривожланиши учун янги имкониятлар топишда янги йўللار кичириш соҳасида сарфлаётган куч ва гайратга ҳисса бўлиб қўйилди.

Ядро физикаси соҳасида тадқиқот ишларини ривожлантириш ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда Совет-Югославия ҳамкорлигига доир

Ядро физикаси соҳасида тадқиқот ишларини ривожлантириш ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида тузилган Совет-Югославия Битимини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида шу йил 3 майдан 26 майгача Белградда Совет ва Югославия делегациялари ўртасида музокаралар олиб борилади. Бу Битим 1956 йил 28 январда Белградда тузилган эди.

Дўстона вазиятда ва томонларнинг таъминла дамида тинчлик руҳида ўтган музока-

ралар натижаида муҳокама қилинган масалалар юзасидан ва шу жумладан, Югославия Федератив Халқ Республикасида экспериментал атом реактори қуриш масаласи юзасидан атом реактори қуриш масаласи юзасидан атом реактори қурилиши 1958 йилнинг бошида таъминланган эди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан томонларнинг ўзаро келишувини бир-бирларига мақбул юбориш билан расмийлаштирилди. Бу мақбуллар Белградда шу йил 25 майда ядро энергияси Иттифок Комиссиясида айрибошланди.

КРИСТИАН ПИНОНИНГ ФРАНЦИЯ РАДИОСИ МУХБИРИГА АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 26 май. (ТАСС). Париж радиоси хабар бериб: Кристиан Пино Францияда келган Франция ташқи ишлар министри Кристиан Пино Франция радио эшиткичи компаниясининг мухбири Вертер билан суҳбатда Совет Иттифоқида қилган сафаридан олган ўзининг умумий таассуротини айтиб, бундай деган: «Мендаги таассуротлар шу қадар кўпки, мен бу таассуротларни бир неча минут ичида айтиб берайман. Шундай бўлса ҳам, бу сафардан олган, менингча, менга жуда муҳим бўлиб қўйилган икки-уч хулосани айтиб беришим мумкин, chunki биз олинган музокараларни жуда самарали бўлиб, деб ҳисоблайман. Биз ҳамма проблемалар устида битимга келганимиз йўқ, зотан биринчи

учрашувда шундай битимга келиш мумкин ҳам эмас эди, chunki музокаралар вақтидаги таъминий вазияти, энг муҳими эса, музокараларнинг тўла равишда сиқилиши билан олиб борилаётганини катта аҳамиятга эга бўлди. Мен Совет Иттифоқида жуда қизиқиб сўзлаб қилдим, шунинг айтилиши керакки, Совет Иттифоқида бизни жуда яхши кутиб олдилар. Фақат маҳаллий маъмуриларга эмас, шу билан бирга, аҳоли ҳам бизни шундай кутиб олди. Аҳоли ҳар қандам Францияни таъриқлаб турди ва французаларнинг қаршилиги кўрсатиш қарақатини айниқса кўзга тушди, мен бундан жуда мамун бўлишим. Пино, Совет Иттифоқида ўз халқининг турмуш даражаси ошириш учун ҳозирги вақтда жуда кўп куч ва гайрат сарф қилинмоқда, деди.

Албания ҳукумати Ким Ир Сенни Албанияга таклиф этди

ПХЕНЬЯН, 27 май. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлиги хабар бериб: Албания Халқ Республикаси ҳукумати Ким Ир Сен бошчилигида КХДР ҳукумат делегациясини Албанияга дўстона вазияти билан келиб кетишга таклиф этди. КХДР министрлар кабинети раиси Ким Ир Сен ҳукумат номидан бу таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди.

ТЕАТРЛАРДА:

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (ёзи бую) — 29/У да Юрак сирлари, 30/У да Бой ила хизматчи.
НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/У да Уйқудаги гўзал.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/У да Фарҳод ва Ширин, 30/У да Сурмахон.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «РОДИНА», «ИС-КРА», (кундуз) — янги бадиий фильм Улар биринчилардан эди.
«РОДИНА» — кечқурун Парм ибодатхонаси (1-серия).
«ИСКРА» — кечқурун Универмаг витринаси орасида.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ВАТАН», «ИСКРА» (Кафанов номли парк) — Улар биринчилардан эди.
«ХИВА», «УДАРНИК» — Универмаг витринаси орасида.

«Правда Востока» кўчаси, 9-уйда турувчи Борис Иванович Чижовнинг Болшевник кўчаси, 3-Марат тулки, 11-уйда турувчи Надежда Петровна Чижова (Багдашова)дан ажраллиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Сталин район, 3- участка халқ судида кўрилади.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЕРДАМ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

1956 йил 18—25 майда Берлинда Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашининг бу сессиясида Кенгаш қатнашувчиси бўлган мамлакатлар халқ хўжалигининг асосий тармоқларини, chunki: машинасозлик ва оптика-приборсозлик саноати, қора ва рангли металлургия, кўмир, нефть ва газ саноати, химия саноати, енгил саноат, қишлоқ хўжалигини навбатдаги беш йиллик (1956-1960 йиллар) мобайнида ривожлантиришни мувофиқлаштириб олиб бориш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашининг сессияси машиналар, ускуналар, хомаш, ёқилги ва оқик-овқатларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш ва ўзаро бир-бирларига етказиб бериш даражаси тўғрисида манфаатдор мамлакатлар ўртасида келишилган тавсияларни қабул қилди.

Машинасозлик ва оптика-приборсозлик саноатини ривожлантириш перспективалари кўриб чиқилган вақтда ишлаб чиқаришни мамлакатлар ўртасида ихтисослаштиришни кенгайтириш ва техникани янги даражага етказиш таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Қора металлургиянинг хомаш базасини — темир рудаси ва коксизданган кўмир чиқаришни ҳамда кокс ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек рангли металлургиянинг хомаш базасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Европадаги халқ демократияси мамлакатларини Польшадан етказиб бериладиган тош кўмир билан ва СССРдан етказиб бериладиган темир рудаси билан таъминлаш ишида Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашида

қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик муҳим роль ўйнамоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш перспективалари кўриб чиқилган вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва, жумладан, дон етиштиришни анча кўпайтириш масалаларига эътибор берилади. Мақсадухори экинларини кенгайтиришни таъминлаш зарур деб топилади. Минерал ўғитлар саноатини жиқий равишда кенгайтириш ва ҳозирги замон қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариши янги даражага етказиш қаратилган тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашининг сессияси Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашида қатнашувчи мамлакатларнинг халқ хўжалигини электр қуввати билан таъминлаш масалаларига катта эътибор бериб, Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашида қатнашувчи мамлакатлар ўртасида бир-бирини электр қуввати билан таъминлаб туришни кенгайтириш тўғрисида ва Дунай гидроресурсларидан комплекс фойдаланиш схемасини ишлаб чиқиш ҳақида таклифлар тайёрлаш ишларининг программасини муҳокама қилди ва қабул этди.

Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашида қатнашувчи мамлакатларнинг турли тармоқлар соҳасида иш бўйлабтириш министрлар ва идоралари ўртасидаги бевосита алоқаларини кенгайтириш йўли билан иқтисодий, илмий-техника ҳамкорлигини ишларини таъкил қилишни яхшилаш масалалари кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзаро Иқтисодий Ердэм Кенгашининг сессиясида Хитой Халқ Республикасининг вакили ва Югославия Федератив Халқ Республикасининг вакили кузатувчилар сифатида ҳозир бўлидилар.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР УЭЙКОДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 26 май. (ТАСС). Америка телеграф агентлиги билдирадиган: Президент Эйзенхауэр кеча Уэйкодаги (Техас штати) Бейлор университетига нутқ сўзлади. Президент мен халқаро масалаларга «умумий тарзда» тўхталиб ўтман, деди.

Президент ўз нутқида «коммунистик доктрина»га ҳужум қилиш билан кўпроқ овора бўлди. Эйзенхауэр бутун дунёдаги халқларнинг гоёт кўп қисми ўртасида коммунизм идеяларининг гоёт катта жозиба кучига эга эканлигини эътироф қилишга мажбур бўлди.

Президентнинг нутқи миллий овозлиб йўлданги қарақатининг гоёт катта кучга эга эканлигини АҚШдаги ҳукмдор доиралар муайян даражада эътироф қилётганлигини асос эттирди. Ана шу миллий овозлиб қарақат бениҳоя кучайиб кетди ва урушдан кейинги йилларда ғалабалар қозонди. Шу билан бирга нутқ миллий овозлиб қарақатининг (Эйзенхауэр бу ишларини «миллатчилик» деб атади) ҳозирги вақтда «халқларнинг ороу-тилакаларини қатъий ифода этади» деб эътироф қилди. Лекин шунга қарамай, президент «дунёга

раҳбарлик қилиш» АҚШнинг «миллий вазифаси» деб уқтириб ўтди.

Эйзенхауэр ўз нутқида капитализм дунёида «кескин иқтисодий проблемалар» борилигини таъкидлади. Аммо, у, Американинг ана шу қийинчиликларини бартараф қилишга қаратилган бирор қарорнинг программасини баён қилиб бермади ва «Европа Қўйма Штатларини» вужудга келтиришга даъват этиш билангина чекланди.

Президент ўзининг ана шу таълифлини асосламоқчи бўлганида Европа халқларининг ўз давлат мустақиллигини сақлаб қолиш йўлидаги иштирокларига ана шундай бирлашмишга ҳалақит бермоқда, деб эътироф қилди.

Эйзенхауэр АҚШ БМТни ва Америка давлатлари ташкилотини қаби маҳаллий бирлашмаларни қўллаб-қувватлашни давом эттирди, деди. У, АҚШнинг ташқи сёбаси проблемаларини «Американинг маърифатли аҳолиси» руҳида ва «барча қитъаларда, барча оқсёлларда...» АҚШнинг «жаҳон миқёсидаги манфаатларига» ҳисобга олиб, ҳал этишга иштирокчи эди.

Президент ўз нутқининг охирида Америкадаги университет таълимининг вазифаларига тўхталиб ўтди.

БИРМАДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТОМОНИДАН ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҚУРИЛИШИГА ДОИР

РАНГУН, 26 май. (ТАСС). ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. А. Бузгалин ва ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчев Бирмада бўлган вақтларида Бирма Иттифоқи халқига совға тариқасида Рангунда СССР куч ва маблағлари билан технология институтини қуриш ҳамда бу институтни жиқолашнинг Совет ҳукумати номидан таклиф этганликлари тўғрисида хабар берилган эди. СССР Олий Иттилий Министрларининг

ақидида Рангунга келган мутахассислар гуруҳи бу институтнинг дастлабки проекти Бирма мутахассислари билан муҳокама қилди. 24 майда Бирма бш министри У Ну совет мутахассисларини қабул қилди. У Ну ана шу проектга юксак баҳо берди.

Кеча совет мутахассислари ўз ватанларига жўнаб кетдилар. Улар Бирма мутахассисларининг истақдорлиги эътиборга олиб, узил-кесил проект тузиш соҳасидаги ишларини давом эттиридилар.

Дания фолькетинги делегацияси аъзоларидан бир гуруҳининг Ўзбекистонда бўлиши

Дания фолькетинги делегацияси аъзоларидан бир гуруҳи Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишини давом эттириб, 27 майда эртабел Тошкентдан Самарқанга жўнаб кетди.

Дания парламенти депутатлари ва уларга ҳамроҳ бўлган даниялик журналистлар шаҳарларини диққатга сазовор бўлган жойларини, ўзбек халқи қадимги маданиятининг бойлигини асос эттирган тарихий ёдгорликлари бир неча соат давомида таомла қилдилар. Меҳмонлар Бутун Иттифок қорасўзчилиги илмий-текириш институтини, Ўзбекистон халқлари маданияти, республика музейини бориб кўрдилар.

Уша куни делегация аъзолари Тошкентга қайтиб кетдилар.

Фолькетинг депутаты пастор Н. Готтшальк-Хансен журналистлар билан қилган суҳбатда ўз таассуротларини сўзлаб бундай бойди: «Биз мақмондўст ва дўстона халқ тўғрисидаги, тараклиёт ва ташаббус турфайли турмуш учун яхши широнлар яратиб бериладиган республика тўғрисидаги таассуротлар билан кетамиз. Мен шу билан бахтиёрманки, мамлакатлар бошқа халқлар учун ўз чегараларини очиб қўйибдилар. Ана шунинг натижасида бутун дунёда тинчликнинг дастлабки шарти бўлган алоқалар ўрнатилган имконияти вужудга келмоқда.

27 май кечқурун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси А. Хакимов Дания парламенти депутатлари шарафига қабул марасими ўтказди. Қабул марасимида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ф. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомов, СССР Олий Совети депутатлари М. А. Абдуразақов, Ж. Қ. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари З. Р. Раҳимов, Р. Ф. Ғуломов, И. Қ. Қодиров,

А. М. Қўчқоров, Ф. Х. Хўжаев, К. Ёқубжонов, А. Р. Мухомедов, А. Носирова, М. Турғубоева, Ўзбекистон телеграф агентлигининг масъула раҳбари Р. С. Саҳибов, Чет алаар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правдасининг раиси Т. Ж. Жўраев ҳозир бўлидилар.

Дўстона вазиятда ўтган қабул марасими вақтида А. Хакимов, Ш. Р. Рашидов ва делегация аъзолари гуруҳининг раҳбари фолькетинг депутаты К. Бетгольм таъриб нутқлари сўзладилар. Қабул марасими қатнашчилари учун концерт қўйиб берилди.

28 май эртабел Дания парламенти депутатлари ва уларнинг ҳамроҳлари Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. Аэродромда уларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ф. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомов, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари кузатиб қолдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Ш. Р. Рашидов Дания парламенти депутатлари билан хайрашарман экан, делегациянинг Ўзбекистонга келганлиги СССР ва Дания халқлари ўртасидаги дўстлигини мустақамлаш ва ривожлантириш манфаатларига хизмат қилади, деб қай қилиб ўтди. Урғот Рашидов Ўзбекистон ССР Олий Совети номидан Дания парламентидаги ҳамма депутатларига сазовор тошпирди.

Фолькетинг депутаты К. Бетгольм жавоб нутқида делегациянинг Ўзбекистонда хурсандчилиги билан кутиб олинганлиги учун ташаккур ахбор қилди. Бизнинг қадриятимиз, — дейди у, — ўзбек халқига муҳаббат туйғулари билан тўлгандир. Биз сафаримиз вақтида кўпгина нарсаларни билиб олдик ва Ўзбекистонга қилган сафаримизни ҳеч қачон унутмаймиз. (ЎТАГ).

АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Совет хотин-қизлари комитетининг таъкидига буюн СССРда меҳмон бўлиб турган Африка мамлакатлари хотин-қизлари делегацияси — Жаҳон демократик хотин-қизлар федерацияси кенгашининг Пекинда бўлиб ўтган сессиясининг қатнашчилари Ўзбекистонда бир неча кун бўлидилар.

Меҳмонлар меҳнаткамларнинг ҳаёти билан танишдилар, ўзв уртралирини, маданий оқарув муассасаларини, республика пойтахтидаги янги қурилмаларни бориб кўрдилар. Тошкент хотин-қизлари жамоатчилиги вакиллари билан уртрашдилар. Делегация аъзолари Сталин номидан Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрикаларини ва медицина муассасаларини кўздан кечирдилар. Улар Ўрта Осиё ва Қўзғистон музоамалари Диния, боп-кармасига борилад. Инглиз районидаги Сталин номли колхозини бориб кўрдилар. Меҳмонлар республика маданий министри, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомов қабул қилди.

Африка мамлакатлари хотин-қизлари делегациясининг аъзолари шарафига хайрашарман ахбороти берилади. 27 майда меҳмонлар Тошкентдан Москвага учиб кетдилар.

„Пахтакор“ командасининг ғалабаси

СТАЛИНГРАД. (Телефон орқали олинди). 27 май кунини бу ерда «Б» класе командалари ўртасида футбол бўйича навбатдаги мусобақа бўлди. «Торпедо» футбол командаси билан Тошкент «Пахтакор» командаси учрашди. Уйга қизгин кураш вазиятида ўтди. 2 : 1 ҳисоби билан «Пахтакор» командаси ғалаба қозонди. Шундан

дай қилиб бизнинг командамиз 14 очкога эга бўлди.

Навбатдаги учрашув Тошкентда 31 майда бўлди. «Пахтакор» футболчилари «Колхозчи» (Сталинобод) командаси билан учрашди.

Редактор З. ЕСЕНБОВ.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

Мажбурий фармойиши

1956 йил 23-апрель

№ 5

Тошкент шаҳри

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Тошкент трамвайидан фойдаланиш тўғрисида қуйидаги қоидаларни тасдиқлади.

1. ТРАМВАЙГА ЧИҚИШ-ТУШИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Трамвай вагонларига фақат оловаларда чикиш ва тушиш мумкин.
2. Трамвай вагонига фақат ора эшикдан чикиш ва фақат олдинги эшикдан тушиш мумкин. Бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймак учун вагондан тушадиган кейин трамвай йўлидан фақат трамвай жўнағандан кейин ўтиш мумкин.

3. Мотор вагонининг олдинги эшигининг фақат қуйидаги кишилар чикиши мумкин:

а) ҳомиладор хотинлар;
б) 7 ёшгача болалик пассажирлар;
в) 1—5 синфларнинг ўқувчилари (қувчилик билетини кўрсатиш шарт билан);
г) майиблиги аниқ инвалидлар;
д) кўрлар (қузатиб борувчи киши билан).

Трамвай ҳайдовчи вагонининг одамлар билан тўлиш даражасига қараб, олдинги эшикдан қирадиган пассажирларнинг сонини чегаралаш ва олдинги эшикдан қирадиган халқ билан бўлмаган пассажирларни қўймакчи эди.

4. Ҳар бир мотор вагонига ўтириш жойлари биринчи навбатда 5 ёшгача болалик пассажирлар, ҳомиладор хотинлар, инвалидлар ва кенсалар учун белгиланади.

5. Қуйидаги кишилар прицепка ва

гонларининг олдинги эшигини чикиш мумкин:

а) йўл ҳақи тўлабидан бағажлари бўлган пассажирлар;
б) форма кийган милиция ҳодимлари.

II. ТРАМВАЙДА ЮРИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Ҳар бир пассажир кондукторнинг оғоҳлантиришини кутмасдан билет сотиб олиши ва йирин пулни майдалатиб кондукторни уринтирмаслиги лозим. Бағачи бўлган кишилар ҳар бир бағач учун ҳам билет олишлари шарт.

2. Пассажирлар сотиб олган билетларини трамвайдан тўлиғича саклаб, кондуктор ёки кондукторнинг биринчи талаби билан қўрсатишлари лозим.

3. Домий билетлари (карточкалари) бўлган пассажирлар трамвай вагонига чикишда кондукторнинг айтишини кутмасдан бу карточкаларини унга очиб кўрсатишлари лозим.

4. Пассажирларга мотор вагонининг олдинги майдончасида бориш таъқиқланади.

5. Қуйидаги кишилар трамвайда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар:

а) форма қилган милиция офицерлари ва олдий милиционерлар;
б) трамвай ва троллейбус ҳодимлари (хизмат туюқномаларини кўрсатиш шарт билан).

в) катта ёшдаги кишилар билан биргаликда бораётган 7 ёшгача бўлган болалар.